

Фарғонада ўқ отиш бўйича республика бичирилмиги нихоясига етди. Унда 50 дан ортик спортчи иштирок этди.

Бухоролик Илҳом Очилов ва тошкентлик Маъмура Муҳаммадзонова мусобақа голиби бўлди.

Бу беллашувда республикамизнинг энг зур мергани Элдор Сайфуллин иштирок этмади. Чунки у Туркиянинг Анталия шаҳрида май ойида ўтказилган «Гран-при» сериясидаги халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Бу мусобақаларда Элдор Сидней-2000 Олимпия ўйинларида берилган йўлланмани олиш учун етмай турган холларни тўплаши керак.



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 май, чоршанба №63 (895)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Дехли, 2 май. ЎЗА махсус мухбири Бехзод Усмон хабар қилади: Эрталаб «Раштрапати Бхаван» майдонида давлат ташифи билан Ҳиндистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий қутуб олиш маросими бўлди. Майдонда мамлакатимиз раҳбарини Ҳиндистон Президенти Коочерил Раман Нараян ва Бош вазир Атал Бихари Важапайи қабул қилди. Ислам Каримов махсус шоҳсулага кўтарилган, икки давлат мадҳиялари янгради. Президент фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Шундан сўнг Ислам Каримов Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Махатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

«Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ислам Каримов Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳни қабул қилди. Сухбат чоғида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Хайдаробод» саройида эса Ислам Каримов Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важапайи билан учрашди. Яққам-яққа суҳбат давомида давлатлараро муносабатларнинг асосий тамойиллари хусусида фикр алмашилди. Шундан сўнг музокара-лар Ҳиндистон ва Ҳиндистон давлат делегациялари аъзолари иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

Учрашувлар якунида алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинди. Ислам Каримов ва Атал Бихари Важапайи Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, жиноят-қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар, ҳужжатларор кредит битими, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим соҳасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташифи давом этмоқда. (ЎЗА).

Термизда «Олтин воҳа» вилоят савдо ярмаркаси очилди. Ярмаркага сурхондарёлик деҳқон-фермерлар, тадбиркор ва ҳунармандлар, ҳиссадорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат моллари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва бошқа рўзгор буюмлари қўйилган. Харидорлар пиш-шиқ, сифатли маҳсулот ва

«ОЛТИН ВОҲА» ЯРМАРКАСИ

буюмларни харид қилиш билан бирга буюртмалар ҳам бермоқда.

Шўрчи мебель фабрикасида ишлаб чиқарилган идора меbellари, уй-рўзгор буюмлари, мактаб парталари сифати жиҳатидан бошқа жойлардан келтирилган шу хилдаги маҳсулотдан қилишмаслиги харидорлар эътиборини тортмоқда. Ярмаркага келувчилар қишлоқ хўжалик қорхоналари ва деҳқон-фермерлар етиштирган маҳсулотларни бажони дил харид қилмоқда.

9 - май — Хотира ва Қадрлаш куни

ОТА ЎГИТИ



Узоқ умр, тинч, фаровон ҳаёт ҳар доим инсон учун энг буюк, ардоқли, ноёб неъмат ҳисобланган. Ёшликнинг суронли завқ-шавқига тўлиб, кўнглида юксак орзуларга етиш режаларини пиширтирган қишлоқ боласи Усмон Йўлдошев кўпчилик қатори урушга отланди. Дахшатли жангларда қатнашиб, ўқлар ёмғирдай ёғилиб турганида, шаҳид бўлган сафдошларини кўмаётганларида, ярадорнинг азобли инроқларини кўрганларида «Тинчлик» деган улуг сўзининг маъносини чуқур англади. Уруш ўтган жойлардаги вайроналар, оч-яланғоч кишиларни кўриб, ўз қулбаси, пешона терини артиб, меҳнат қилган далалар, ҳамқишлоқлари қадри бекиёс эканлигини чуқур ҳис этди.

1946 йили қишлоғига қайтиб келган Усмон Йўлдошевни Пскент туманидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига сайлашди. Шу вақтларда уруш келтирган вайроналарни тиклаш қанчалик мушкул бўлса, бу ердаги, уруш ортидаги, ишчи кучи ва уллови етишмасдан ночор аҳволга тушиб қолган деҳқончиликни, одамларнинг турмуш шароитини тиклаш ҳам шунчалик оғир эди. Суронли жанглардан омон қайтган ёш раис бутун кўн-гайратини ерлардан унумли фойдаланишга, одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга сарфлади. Кўп ўтмай одамлар уйлар қура бошлашди. Тўйлар кўпайди. Раис уруш ўтган шаҳар ва қишлоқларни, портлашлардан ўлқонлар пайдо бўлган далаларни эсга олганда тўкинчилик учун қилаётган ишлари камдай, яна кўп ишларни қилиши кераклигини ўйлаб, гайратига ўн чандон гайрат қўшилди.

Орадан тўрт йил ўтиб, хўжаликлар йириклаштирилди, бу ердаги майда хўжаликлар ҳам бирлаштирилиб, Мурот Али қишлоғи марказ бўлган, ҳозирги вақтда Алишер На-

воий номи билан аталаётган жамоа хўжалигида ўз фаолиятини давом эттирди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида то пенсияга чиққан қунигача кўпчиликка бош бўлиб, қишлоқ ободончилиги, оилалар фаровонлиги учун елиб юрди. У бундай шонли йўлни ўз отаси, умр бўйи оддий кетмончи бўлиб меҳнат қилиб, тўкинчилик яратиб келган Йўлдош Сиддиқовнинг ўғитларига амал қилган ҳолда босиб ўтди.

— Болаларим, инсон умри куш уйқусидай елиб ўтиб кетади. Ана шу умрни одамларга яхшилик қилиб, уларнинг ташаккурига сазовор бўлишга сарфланг. Кўпчиликнинг эътиборида бўлиш жуда қийин, ўта шарафли иш эканлигини эсдан чиқарманглар. Бу энг катта бахт.

Усмон ота фарзандларига ҳар доим ана шундай насаҳат қиларди. Фарзандлар ҳам ота изидан, оталари кўрсатган йўлдан боришди.

Бугунги кунда тўнғич фарзанд Икром Усмонов маъсул лавозимда, Наби транспорт соҳасида муҳандис, Илҳом қишлоқдаги йирик мактабнинг директори, Зоҳид дурадгор уста, қизлари — Холида боғча мудир, Дилором ўқитувчи, Азиза уй ишлари билан банд. Уларнинг ҳаммаси обрў-эътиборли кишилар.

Марҳум Усмон ота Йўлдошев билан турмушининг аччиқ-чучуғини бирга тотишиб, етти болани эл фарзанди қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган Марҳамат ая бугунги кунда болаларига, невараларига бош бўлиб, бахтли ҳаёт кечираётган онахонлардан бири. Байрамларда, оилавий тантаналарда бу хонадон тўйхонага айланб кетади. Табарруқ онахонни кўриш, ўғитларини эшитиш, меҳрига қониш учун фарзандлар тўплаганида, юз-кўзларда ҳаётдан мамнунлик, шундай ажойиб замонда дийдор кўришиб, бир-бирларини яхшилик билан қўтлаш қувончи зоҳир бўлади. Тўкин дастурхон атрофи нурафшон бўлиб кетади. Ана шундай пайтда Марҳамат ая юртимиз тинч, одамлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишларини, фарзандлар бахтини тилаб дуога қўл оцади.

Оилага бош бўлиб келган Усмон ота бундан икки йил аввал 83 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Бугунги кунда Мурот Али қишлоғининг ривожланиши босқичларида, ҳар бир хонадоннинг қувончли кунларида, қўллаб оилаларнинг бахтли ҳаётида узоқ йиллар қишлоқ оқсоқоли бўлиб ишлаган Усмон отанинг ҳам камтарини ҳиссаси бору, дейишга ҳақлимиз. Ҳозирги яхши кунларда, тўйларда ҳамқишлоқлари унинг номини ҳурмат билан эсга олишлари ҳам шундан.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Шу сонга сўнги хабар СЕРМАҲСУЛ ТУР

Биз олдинги ҳисоботи-мизда мамлакат чемпиони «Дўстлик»ни қойиб, «Гулистон»ни алқаган, бунга сабаб эса турнир жадвалининг икки қутбида жойлашган ушбу жамоалар ўртасидаги матчда мухлисларни хайратга солиб сирдарёликлар муҳим 3 очкони кўлга киритган эдилар.

Бунга қарангки, худди шундай ҳол, агар таъбир жоиз бўлса, мусабфо омонда бирдан момақалди-роқ гумбирлашдан «Пахтакор» мухлислари ҳам «бахраманд» бўли-лар. «Хоразм» жамоаси-ни қабул қилган тошкент-ликлар ўз майдонларида мағлубиятга учрадилар. Ҳисоб — 2:3. Бир ўйинда бешта гол! Бунақаси ҳар қуни ҳам бўлвермайди. Гарчанд юлғизик ҳар доим аламли бўлса-да, стадионга келган мухлис-лар «Хоразм» жамоасида тўп сурган В.Баранов ва В.Султоновларнинг фаол ҳаракатидан қониқиб ҳосил қилганликларини яшириб ўтирмадилар, уларни бир неча бор олқишлар билан кизгин қўллаб-қувватладилар.

Биринчи давранинг ўнинчи тури, айтиш мумкин, шу кунгача ўтказилган турларнинг энг сермахсули сифатида ҳам узоқ вақт эсда қоладиган бўлди. Ўтган учрашувда «Зарафшон»ни унинг майдонида 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган «Насаф» Самарқандда бўлган матчда тамомилан акс ўйин намойиш этди ва «Самарқанд-Динамо» ҳужумчилари томонидан киритилган тўртта тўнга биронта ҳам жавоб қилолмади.

Яна бир йирик ҳисоб «Дўстлик» ва «Сўғдиёна» жамоалари ўртасидаги бахсда қайд этилди — 4:0. Бу галабадан сўнг Тошкент вилояти футболчилари яна қарвонбошликни кўлга олдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семурғ» — «Турон» - 5:0, «Зарафшон» — «Сурхон» - 1:1, «Темирйўлчи» — «Трактор» — 1:1, «Навбахор» — «Металлург» - 2:0, «Бухоро» — «Нефтчи» — 1:1, «Кимёгар» — «Гулистон» — 1:0.



Бойсундаги «Емчи» фермер хўжалиги сўнги йилларда қувончли ютуқларни кўлга киритяпти. Тадбиркорлар галла ва чорва озукаси етиштиришда барчага намуна бўлиб келишяпти.

Суратда: меҳнат улуглаган саодат соҳибалари — Раъно Давлатова, Сайёра Алланазарова ҳамда Жонгул Давлатова-лар.

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

Дебиторлик - кўрсатилган хизмат ёки сотилган маҳсулот ҳисобидан олинмаган ҳақ. Кредиторлик эса кўрсатилган хизмат ёки олинган маҳсулот учун тўланмаган маблағдир. Халқимизда ҳисобли дўст айрилмас, деган нақл бор. Унинг замирида чуқур маъно ётади. Қаерда ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, иш бир маромда ривожланади, қонун бузилишларга йўл қўйил-

зим бўлганда, белгиланган режа асосида текширишлар ўтказилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни жойида ҳал этишда муҳим омил бўлаяпти.

Бахтга қарши баъзи хотамтой раҳбарлар, мутахассисларнинг айби билан жамоаларда дебитор ва кредитор қарзлар юзага келмоқда. Биз юқорида эътироф этган ҳуқуқий ҳужжатда истиқисони белгилаш ва статистик

«Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги, «Ер кодекси тўғрисида»ги ва бошқа қатор Қонунларнинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганда, кимлардир кўра-била турб жиноятга қўл ураётганлиги маълум бўлди. Масалан, 1997 йилдан буён туман вакиллиги раиси бўлиб ишлаб келган Муртазо Маматов мансабдор шахс бўлгани ҳолда хизмат вазифасини сунистеъмом қилган.

сабоқлардан ўзларига тегиш-ли хулоса чиқармадилар. Бир жиноий иш ёпилмасдан бош-қаси содир этилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари туман вакиллиги қошидаги «Учқўрғон» тайёрлов харид қилиш, сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш кооперативида ноҳўя ҳаракат-лар содир этилди. Шу жамоа раҳбари Ш.Нуритдинов хизмат вазифасини сунистеъмом қилиб келган экан. У 1999 йил-

моддий зарар етказган. Энди эса кўз ёши қилиб, минг бор афсус чекиб ўтирибди.

Шундай раҳбарлар борки, улар мавжуд қонунларимизни яхши билишмайди. Баъзилари эса ҳар қандай шартнома ҳам шахсий манфаатдан келиб чиқиб иш уюртади. Учқўрғон ша-ҳар очик турдаги 70-қурилиш таъмирлаш ҳиссадорлик жамия-ти раҳбари Н.Шералиев, бош ҳисобчи А.Тургуновларнинг со-вўқонлиги, маъсулият-сизлиги оқибатида деби-тор ва кредитор қарзлари вужудга келган. Бу ерда ҳам қорхона ва ташкилот-лар билан шартномалар тўзилган бўлиб, улардан 15 фоизли тўлов олдин-

ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗЛАР

Учқўрғон туманида содир бўлишига кимлар сабабчи?

идоралар зиммасига ҳам алоқа-ҳида маъсулият юклатилган. Шундай бўлса-да, Учқўрғон туман статистик ва консалтинг хизмати кўрсатиш маркази қорхона ва хўжалиқларнинг муда-ти ўтиб кетган дебитор ва кре-диторлик маълумотларини сох-талаштирган. Таажжубки, қингир ишининг бошида идора раҳбари Олимжон Адашев турган экан. Ушбу ҳужжат тегишли ташкилот-ларга расман тақдим этилган. Оқибат-натижада давлат ва жа-мият манфаатларига жиддий зиён етказилган. Айбдорлар фа-олиятига муносиб баҳо берил-ди.

Деҳқон ва фермер хўжалик-лари туман вакиллигида Ўзбе-кистон Республикасининг «Фер-мер хўжаликлари тўғрисида»ги,

нинг январидан сентябрга қа-дар кооператив раиси, кей-инчалик таъминотчи, сўнг яна раис вазибаларида фаолият юритган. Узи хон, қўланқаси майдон бўлиб кетган бу шахс шартнома тузиш вақтида 15 фоизли тўловни амалга ошир-масдан, 12 та фермер хўжали-гидан катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиб, турли ташкилот-ларга унинг қарийб 600 минг сўмлик қисмини бериб юбор-ган. Бу билан Республика Пре-зидентининг 1995 йил 12 май-даги Фармони талабларини бузган. Текширишлар чуқур-лаштирилганда Нуритдинов-нинг яна бир кирдиқори очил-либ қолди. У ўзгалар мулкни талон-тарож қилиб 115.409 сўм

дун амалга оширилмаган. Уд-даланган ишлар бўйича Уч-қўрғон туман ҳокимлиги, ли-цей-интернатдан, 12-сонли ҳиссадорлик қорхонасидан маблағларни ундириш чорала-ри кўрилмаган.

Дебитор ва кредитор қарз-лар тараққийта тўғаноқ. Улар турли келишмовчиликлар, сан-салорликлар сабабчиси. Омил-кор, узоқни кўра биладиган, қатъиятли раҳбар, қолаверса, ҳар бир фуқаро бировини қарз-дор қилишга, ўзи ҳам қарздор бўлишга йўл қўймайди. Зеро, бу қоғдага оғишмай амал қилиш фароғатга етакловчи энг тўғри йўлдир.

Қорақалпоғистонда хорижий сармоялар жалб этган ҳолда қўшма қорхоналар очишга катта аҳамият берилмоқда. Жумла-дан, Чимбой туманида Қорақалпоғистон Республикаси Вази-рлар Кенгашининг инвести-ция Дастурига биноан қўшма қорхоналар барпо қилиш бўйича учта лойиҳа тасдиқ-ланди. Шулардан бири «Ўзбектурк» қўшма қорхонаси бўлиб, унда тери қайта ишланади, олинган чармдан ус-ки кийим-кечак тики-лади. Лойиҳа бўйича 2,5 миллион АҚШ дол-лари микдорда маб-лағ сарфланади. Уни «И-Тико» фирмаси аж-ратди. Мазкур қўшма қорхона келаси йили фойдаланишга топши-рилган, юзлаб ишчи ўринлари барпо эти-лади.

О.КУРБОНОВ, Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро прокурори.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ўзбекистон Республикаси Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнаткашларни ҳуқуқий ҲИМОЯ қилиш бўлими меҳнат ҳуқуқи нозирини Неъматилла ҲОЛБОЕВ жавоб беради

Савол: «Чорвачиликка ихтисослашган» - фермер хўжалиги билан «Деҳқончиликка ихтисослашган» - фермер хўжалигининг фарқи, умуман фермер хўжалигининг ташкил этилиши ва тугатилиши тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.

Ҳ.СУЮНОВ, Фаллаорол тумани М.Қаризий номли ташкил хўжалиги ва «Олмасувон» фермер хўжалигидан бир гуруҳ фермерлар.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига биноан фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортқичалиги сезилмаётган ерларда ва худудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камда 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги сугориладиган ерларда камда 0,3 гектар. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги сугориладиган ерларда камда 0,45 гектар, сугорилмайдиган (палмикор) ерларда эса камда 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галличилик учун камда 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камда 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (ун йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустақамлаб кўйилади.

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва туман ҳокимиغا ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Аризادا сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби кўрсатиладиган ҳамда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокама-сига киритади. Умумий мажлис бу ҳусу-да тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги ко-

оперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулоса-сини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Фермер хўжалиги ҳамда ер участ-касини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйха-тига олинган вақтдан эътиборан фер-мер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокими-лигида давлат рўйхатига олингандан кейин юридик шахс мақоми олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисоб варақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаро-лар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжа-лигининг таркиби, хўжалик бошлиги ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотлар-ни қайд этиб кўяди.

Фермер хўжалигини ташкил этиш-нинг ушбу Қонунда белгиланган тар-тиби бузилган ёки хўжаликнинг уста-ви қонунга мувофиқ бўлмаган тақдир-да фермер хўжалигини давлат рўйха-тига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этил-ганлиги ҳамда рўйхатга олиш мuddат-ларининг бузилганлиги устидан суд-га шикоят қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги Низом асоси-да фаолият кўрсатади ва унда куй-идагилар белгиланади:

фермер хўжалигининг номи: фаолият соҳаси ва мақсади: фермер хўжалигининг бошлиги тўғрисидаги асосий маълумотлар: фермер хўжалиги фаолиятини бошқариш тартиби: ердан ва бошқа табиий ресурслар-дан фойдаланиш тартиби: фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва маж-буриятлари:

Фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш тартиби:

Фермер хўжалигининг даромадла-рини (фойдаларини) тақсимлаш, зар-рларини қоплаш тартиби:

Фермер хўжалигининг ўз мажбури-ятлари ва қарзлари юзасидан жавоб-гарлиги:

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тартиби:

Фермер хўжалигининг жойлашган

манзили: фермер хўжалиги уставини ўзгар-тириш тартиби: фермер хўжалигининг уставига фермер хўжалиги фаолиятининг ўзи-га хос хусусиятлари билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бо-шқа қоидалар ҳам киритилиши мум-кин.

Фермер хўжаликларига заҳира ер-лар, махсус республика фонди ерла-ри, меҳнат ресурслари етарли бўлма-ган хўжаликлардаги ва янги сугори-ладиган мавзёлардаги ерлар берила-ди. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги кор-хоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари-нинг (ширкат хўжаликларининг) ерла-ри фермер хўжаликларига коопера-тивлар (ширкатлар) аъзолари умумий мажлисининг қарори асосида туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган қарорга биноан берилиши мумкин.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрталари, академик лицей-лар, касб-ҳунар коллежлари ва умум-таълим мактабларининг ерлари, шун-ингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берила-ди. Ерни узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиги коопе-ративи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиги томо-нидан имзоланади.

Ўзига ажратилган ердан оқилона ва самарали фойдаланяётган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги коопе-ративи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий мажлисининг қаро-ри асосида қишлоқ хўжалик маҳсуло-ти етиштириш ва уни қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин. Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фой-даланадилар. Қишлоқ хўжалиги коопе-ративи (ширкат хўжалиги) бошқа-рувининг ва туман ҳокимининг ер уча-сткаси беришни рад этиш тўғрисида-ги қарори устидан судга ёки бўйсун-ув тартибда юқори органга, ман-сабдор шахсга шикоят қилиши мум-кин. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахслар-нинг уй-жойидаги томорқа чек ерла-ри сақланиб қолади. Фермер хўжа-

лигига ажратилган ернинг чегарала-ри натурада (жойнинг ўзид) ер ту-зиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисо-бидан расмийлаштирилади. Фермер хўжаликларига ер бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер Ко-декси ва бошқа қонун ҳужжатлари бил-лан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари-нинг (ширкат хўжаликларининг) тар-кибидан чиқиш ва мустақил фермер хўжалиги юритиш истагида бўлган аъзолари кооператив (ширкат) уста-вига биноан ўзларига тегишли мулк-ий пай қийматини ҳамда даромад-дан (фойдалар) миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштиро-кини инобатга олган ҳолда аниқла-надиган улушни олишга ҳақлидир.

Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги коопе-ративи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан шу ко-оператив (ширкат) ерлари таркиб-дан ушбу Қонуннинг 10-моддасида белгиланган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасини узоқ му-ддатли ижарага ажратиш қишлоқ хўжа-лиги кооперативи (ширкат хўжали-гини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишла-б чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим. Қишлоқ хўжа-лиги кооперативининг (ширкат хўжа-лигининг) собиқ аъзоси томонидан ташкил этилган фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган тартиб-да амалга оширилади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига киритиладиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминлан-ганлик даражасига қараб, унинг ка-дастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ер солиги ставкаси миқдорида ундирилади. Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида фер-мер хўжалиги ер участкасидан фой-даланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжаликларини учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади. Фермер хўжалигига бериладиган сув-нинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Фермер хўжалиги бошлиги фермер

хўжалигининг ушбу Қонуннинг 15 ва 16-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чи-қадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳамда фермер хўжалиги фаолиятига раҳбарлиқни унинг уставига назарда тутилган ваколатлар доирасида амал-га оширади.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжали-ги кооперативи (ширкат хўжалигида) умумий мажлисининг қарори билан белгиланган ихтисослашувига муво-фиқ ўз фаолияти йўналишларини, иш-лаб чиқариш тузилмаси ва ҳаммла-рини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда та-қиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шугулланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираёт-ган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология-га, санитарияга оид ҳамда қонун ҳўж-жатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар, қоидаларига риоя этиши шарт.

Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва таш-килотларининг ҳамда бошқа орган ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида на-зарда тутилган ҳоллар бундан мус-тасно.

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳол-ларда тугатилади:

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжа-лик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда: ер участкасининг ижарага берил-ган муддати тугаганда ва ердан фой-даланиш ҳуқуқини тиклашнинг имко-нияти бўлмаганда:

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳо-сидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда:

ерларнинг экологик ҳолати ёмон-лашганда:

ер участкаси белгиланган тартиб-да олиб қўйилганда:

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда:

ижара ҳақи белгиланган муддат-ларда муттасил тўланмай келинган-да:

фермер хўжалиги ер олган пайт-дан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик - ишлаб чиқариш фаолияти-га киришмаган бўлса:

фермер хўжаликларини фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, қўпол равишда бузилганда:

шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ерни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда:

Божхона хизмати

ҚОРАДОРИ ТОРТИБ ОЛИНДИ

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари жорий йилнинг феврал, март, апрел ойлари мобайнида 674 маротаба қоида бузиш ҳолатларини аниқладилар. Шундан 21 ҳолат бўйича жиноий иш кўзга тинди.

— Чегара постлари-мизда рангли металл, маъданли ўғит, қурилиш жиҳозлари, ўсимлик ёғи, шакар, гуруч каби кунда-лик эҳтиёж моллари, жами 344 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолин-ди. Қоидабузарларга нисбатан эса қонуний ҳо-ралар кўрилди, — деди вилоят божхона бошқар-маси бошлиги Жалолид-дин Ҳошимов. «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Гиёҳ-ванд моддаларни ташвиш билан шугулланувчи жи-ноятчилардан тўрт кило-грамм наркотик модда-лар, жулмадан, 782 грамм героин, уч кило-граммдан ортқ қорадори тортиб олинди.

Назоратни қучайтириш борасидаги ҳамкорлиги-миз яхши натижа бераёт-ти. «Ўзбекнефтгаз» мил-лий холдинг компанияси ва бошқарма тизимиз ҳам-корчилиги билан турли хил ёнгилик-мўйлаш маҳ-сулотлари, 14 тонна бен-зиннинг ноқонуний олиб-чиқиб кетишининг ол-дини олдилар.

Ж.Ҳошимовнинг маълум қилишича, ҳозирги кунда туманлардаги деҳқон хўжаликлари, фермерлар уюшмалари, тай-ёрлов ташкилотлари раҳ-барлари, тадбиркорлар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларини четга чиқариш учун божхона ҳужжатларини тай-ёрлаш йўл-йўриқлари ўргатилмоқда. Бу бора-да юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечими изланяпти. Шунга кўра, вилоят божхонаси-га қарашли худудларда яна иккита омувод кури-ладиган бўлди.

«Туркистон-пресс».



ЛИМА. Жорий йилда Перу полицияси гаيريқонуний равишда наркотик моддалар етиштириш ва савдо қилишга қарши курашни муваффақиятли олиб бормоқда. Йилнинг биринчи чорагида мамлакат полицияси махсус операциялар чоғида 22,5 тонна наркотик моддани мусодара қилди, 5 мингдан зиёд жиноятчини ҳибсга олди.

Ўтган шу вақт мобайнида Перу полицияси наркотикига қарши кураш борасида 4 мингга яқин операция ўтказган.

НЬЮ-ЙОРК. Жорий йилда дунёда Интернетдан фойдаланувчилар сони 100 миллионга ошди. Келаси йил бошида бу кўрсаткич 375 миллионга етди, дейди АҚШдаги «Ай-Ти-Форкаст» тадқиқот фирмаси мутахассислари.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда Осиё мамлакатларида Интернетдан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бироқ, бу борада ҳамон аввалгидек АҚШ етакчилик қилмоқда. Айни пайтда АҚШда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 135,7 миллиондан ошди.

ЛОНДОН. Буюк Британия пойтахтида электрон почта ёки бошқа техника воситалари кўмағида узатиладиган хабарларни тутувчи янги махфий марказ қурилиши бошланди. Лойиҳа ба-

Текинхўра шафқат йўқ

Мамлакатимиз ихтимой-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда Президентимизнинг «Иқтисодий ислохотларини янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдон эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори буюғат муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорларнинг эъин-эркин фаолият юритишлари учун қулайлик ва имтиёзлар яратиб берилди. Савдо-тижорат ахлидан эса факат ички бозорларимизни намунали, сифатли кундалик эҳтиёж моллари билан тўлдирини, мўл-кўлчилик яратинишга ўз ҳиссаларини қўшини, қонунбузарликка йўл қўймадлиқ юзасидан ўз бурчларини сидқидил адо этиш талаб қилинади. Афсуски, ҳалқ хизматида бел боғланлар орасида ўз чўнтагини бойитишдан бошқа ташвиш бўлмаганлар ҳам учраб туради. Кўйида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Паркент» очик турдаги акциядорлик жамияти бозори, «Янгибод акциз бозори» худудларида, шунингдек Миробод туманининг айрим савдо ташкилотларида, «Кўча бозорларида савдо-тижорат соҳасида содир этилган қонунбузарчилик ҳолатларига қарши ўтказилган айрим чора-тадбирлар билан танишасиз.

Ҳамза тумани давлат солиқ назорати «Паркент» бозори худудида бир қанча шахсларнинг гаيريқонуний тарзда тадбиркорлик билан шугулланиб, қонуний фаолият юритаётган ҳақиқий тадбиркорларга ҳалақат бераётганлиги, уларнинг ўз маҳсулотларини анча арзонроқ сотаётганлари юзасидан хабарлар кела бошлади. Яқинда ушбу бозор маъмурияти билан ҳамкорликда ўтказилган текширувда 242 минг сўмликдан зиёд лак-бўёқ маҳсулотлари ва бошқа қурилиш материаллари билан ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо қилган фуқаролар А.Воҳидов, О.Абдурасуловлар кўлга тушди. Суриштирув текширув жараёнида уларнинг қонуний асосда тадбиркорлик билан шугулланиши учун ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаганлиги, улар сотаётган оқ эмал, «Бергер» бўёқларининг сифатини билдирувчи сертификат ҳужжатлари йўқлиги ҳам аниқланди. Таҳлилларда бу бўёқларнинг сохта эканлиги исботланди. Ҳозирги пайтда Ҳамза тумани Ички ишлар бошқар-

маси ана шу қалбаки бўёқ маҳсулотларининг «ижодкор»ларини топиш ва қўлга тушириш юзасидан тезкор қидирув-тергов харакатлари олиб бормоқда. Худди шу бозорда ҳеч қандай ҳужжатсиз 154 минг сўмлик бўёқ ва қурилиш материаллари билан савдо қилган фуқаро Д.Ортиқовнинг иши ҳам маъмурий чора кўриш учун туман судига юборилди. «Янгибод акциз моллари бозори»да фуқаро Т.Холтоев савдо қонун-қоидаларини қўпол бузиб амал қилиш мuddати 489 кунти умумий суммаси 192 минг сўмлик турли тамаки маҳсулотлари билан савдо қилганлиги учун унинг иши туман прокуратурасига ўтказилди. Истеъмолга яроқсиз ана шу тамаки маҳсулотлари эса ашёвий далел сифатида олиб қўйилди. Солиқ назоратчилари шу бозордаги тадбиркор М.Фариднинг республика-мизда тайёрланган «Хон» акциз маркали сигаретлар-ни сотиш баҳонаси билан Ўзбекистон маркази бўлма-ган 9 хил турдаги умумий баҳоси 45 минг сўмлик Ки-ргизистон Республикаси ак-

КўПНИНГ ҲАҚИ — КАМОН ҲҚИ

циз маркази билан елимланган тамаки маҳсулотлари сотаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлдилар. Текширув жараёнида унинг тамаки со-тиш қонун-қоидаларини ол-гари ҳам бузганлиги учун маъмурий жарамага тор-тилганлиги маълум бўлди. Тавбасига таянмаган бу «тадбиркор» Жиноят кодек-сининг 189-моддаси 1-бан-ди билан жиноий жавобгар-ликка тортилди.

Миробод туман прокура-тураси шу туман солиқ на-зорати идораси билан ҳам-корликда тадбиркорлик фа-олияти тўғрисидаги қонун-лар ижроси ва тамаки, этил спирти савдоси ҳақидаги фармон, қарорлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказган эди. Текширишлар давомида акциз марказлар-га риоя қилмаслик, мudda-ти ўтиб кетган тамаки, спиртли ичимлик маҳсуло-тларини сотиш, харидор ҳақидан уриб қолиш, касса аппаратларидан фойдалан-маслик, айрим даромадлар-ни қасддан яшириб қолиш-дек ноҳуш ҳолатларни фош этдилар.

«Фарғона йўли» кўчасида-ги озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан савдо қилувчи Х.Мансурова сотувчилик қилган дўкон фаолияти тек-ширилганда харидор Т.Ма-кеевага сотилган 400 сўмлик тамаки маҳсулотла-рида акциз марказлари бўлмаган ва кириш касса аппаратидан ўтказилмаган. Бундан ташқари очик фао-лият юритган бу дўкон дав-лат солиқ назоратида рўйхатдан ҳам ўтмаган экан. Дўкон мудирини ва со-тувчи тадбиркорлик билан шугулланиш ҳақида ҳеч қан-дай қонуний ҳужжатларга эга эмас. Оқибатда бу дўкон ёпиб қўйилди. Сарикўл кўчаси худудида-ги савдо корхонаси фаоли-яти кўздан кечилишганда бу

ерда ҳам қатор кўпол қонунбузарликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Дўкон пештахталаридаги 31925 сўмлик тамаки маҳ-сулотларни эски акциз мар-казларида бўлган. 68317 сўмлик 60 ишча спиртли ичимликлар, ноқонуний эски акциз марказларида бўлган 715104 сўмлик маҳ-сулотлар ҳам савдондан олиб қўйилди. Шевченко кўчасида жойлашган «Шоҳ гуруҳ» хусусий фирма дўко-ни тафтиш қилинганда дўкон мудирини Р.Матев хари-дор Т.Макеевага тамаки, спиртли ичимлик маҳсуло-лари сотиб ўзаро ҳисоб-ки-тобда ана шу истеъмолчи ҳақидан 2350 сўмини «бил-масдан» уриб қолган. Маҳ-сулотларда эса умуман ак-циз марказлари бўлмаган. Бундай маҳсулотлар 8730 сўмини ташкил қилган. Юқоридаги қонунбузарлик ҳолатларидан ташқари на-зорат касса аппарати иши таҳлил қилинганда унинг ҳисобидида 100635 сўм яшириб қолинганлиги маълум бўлди. Текширувчи-на-зоратчирув гуруҳи туман-нинг Банакатий кўчаси худ-удида жойлашган «Али қадам» хусусий дўконда кўпол қонунбузарлик ҳолат-лари содир бўлаётганлиги-нинг гувоҳи бўлдилар. Улар дўкон мудирини У.Файзиевни харидор К.Абдуллаевага ак-циз маркази бўлмаган маҳ-сулотларини сотиш пайтида ушладилар. Прокуратура хо-дидаги даволат солиқ назорат-чилари аниқ олинган маълумот асосида Миробод ту-манида рўйхатдан ўтмасдан яшовчи фуқаро Н.Абдукар-имовнинг турар жойини тек-ширилганда у ердан умум-ий нархи 17120 сўмлик ак-циз марказсиз 5 минг 90 кунти «Патин лайтекс», «Лм», «Парламент» каби тамаки маҳсулотлари сақланяётган-лигини фош қилдилар. Су-

Туман прокуратураси, солиқ назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкогольли маҳсу-лотлар ва тамаки маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томо-нидан тартибга солишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ўтган йилнинг сентябрь ойи-да қабул қилган қарорининг ижроси юзасидан юқориде баён қилинган-дек режалари чора-тадбир-лар давом эттирилмоқда. Демакки, истеъмолчилар-нинг манфаат ва ҳуқуқла-ри бундан кейин ҳам амал-ий равишда ҳимоя қили-наверади.

Малик НУРИДИНОВ, журналист.

Шу йилнинг 6-7-8 май кунлари пойтахтимизнинг «Динамо» спорт мажмуи теннис клубида вазирилик ва ҳокимликлар, ташкилот ва корхона раҳбарлари ўртасида анъанавий «Хавас» турнири бўлиб ўтади.

сўнг пойтахтимизда, «Динамо» спорт мажмуи теннис кортларида республикамиз раҳ-

бар ходимлари ўртасида анъанавий «Хавас» турнири бошланади. Айни кунларда эса вилоятлари мизда ушбу турнирга саралаш вазирасини ўтовчи мусобақалар ўтказилмоқда. Хусусан, кун кеча Урганчдаги Пахлавон Махмуд номли теннис кортлари мажмуида бешинчи анъанавий

«Ихлос» турнири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча тармоқ раҳбарлари иштирок этди. Айтиш лозимки, республикамиз миқёсида турли оммавий спорт тадбирлари, мусобақаларнинг ўтказилиши, айниқса раҳбар ходимлар ўртасида бу каби турнирларнинг бўлиб ўтиши фуқароларимиз, ёшларимизда спортга нисбатан катта қизиқиш, муҳаббат уйғотади. «Соғлом авлод йили»да соғлом авлод орузи ушалишига замин яратади. Шу жиҳатдан яқин кунларда бўлиб ўтажак теннис байрами — «Хавас»га тобора хавас ортмоқда.

2000 йил — Соғлом авлод йили

БАРДАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Баҳор пайтлари кўпчиликнинг «ҳолим йўқ, бошим айланади», «ухлаб уйкуга тўймайман», «иш қилсам ҳам тез чарчаб қоламан», «силлам қуриб кетаяпти», «ишим унмайди» деганини жуда кўп эшитамиз. Боз устига шамоллаш, грипп, ангина, аллергия касалликлар кўп қайд қилинади. Бунга, бир томондан табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан, инсон истеъмол қиладиган сабзавот ва мевалар таркибида витамин, минерал модда, микро ва макро элементларнинг камайиб кетиши сабабдир. Бундай пайтда одам ўзига бепарво бўлмай, тезда шифокорга учрашиши, тегишли маслаҳатларни ва дори-дармонларни олиши лозим.

Витамин В1 — гўшт, жигар, буйрак, жавдор нон, сули, барча турдаги сабзавот, соя дуккаклари ва картошкада бўлади.

Витамин В1 етишмас одамда иштаҳа йўқолади, ич қотади, юрак тез уради, асабийлашади, вазн камаяди. Витамин В2 (рибофлавин) — сут, тухум, хамиртуруш, доғли экинлар, ёнғок, сабзавот, жигар, сумалакда кўп бўлади. Унинг етишмаслиги ҳаёт фаолиятининг сустайиши, толиқиш, кўзнинг хира-лашиши, асабийлик ва терининг шикастланишига сабаб бўлади.

Витамин В6 (пиридоксин) — балиқ, сут, жигар, хамиртуруш ва кўпгина ўсимлик маҳсулотларида бўлади. Хомиладорлик, эмзиклик даврида бу витаминга эҳтиёж кучаяди. Унинг етишмаслигидан минерал оксил алмашинуви, асаб тизими бузилиши юзага келади.

Витамин В12 (цианокобаламин) — барча чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари таркибида бўлади. Унинг етишмаслиги камқонлик (анемия) касаллигига ва асаб тизимининг бузилишига олиб келади.

Витамин РР (никотин кислота) — доғли экинлар, хамиртуруш, жигар, буйракда, гречиха ёрмасида ва кўзқоринда бўлиб, у етишмаганда меъда — ичак фаолияти бузилади, иштаҳа йўқолади, кўнгил айниб, ич кетиши рўй беради, асаб тизими бузилади.

Витамин А (ретинол) — кўзнинг яхши кўриши учун зарур бўлиб, модда алмашинувида ёрдам беради. У гўшт, балиқ, сут, тухум, сабзи, помидор, кўк пивё, кўк нухатда бўлади.

Витамин Д (кальциферол) — балиқ мойи, сариёғ, тухум, сут таркибида мавжуд. Унинг етишмаслиги болаларда тишлар яхши ривожланмаслигига, рахит касаллигига сабаб бўлади.

Витамин Е (токоферол) — доғли экинлар, ўсимлик мойлари, соя дуккаклари, янги кўкатлар, сумалак таркибида бўлади. Бу витаминнинг етишмаслиги натижасида умумий иш қобилияти ва жинсий қобилият пасайиб кетади.

Одамда К витамини етишмаганда турли эъзолар (бурун, милк, меъда-ичак ва бошқадан кон кетиши кузатилади. Жағ-жағ, исмалоқ, карам, қичитки ўтида ва бошқа кўкатда К витамини кўп бўлади.

Табиатдаги барча неъматлар инсон учун яралган, бинобарин, ундан оқилона ва турри фойдаланмоқ даркор. Оламга кўк у тароват бахш этган баҳор, буюк табиб Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек, инсон умри учун шифобахш фасл сифатида ҳам гоёт ардоқлидир. Шундай экан, кўпроқ очик ҳавода бўлиш, табиатнинг энг сўлим жойларида сайр этиш, анҳор ва дарёлар соҳилида кезиш, кўкатлар териш кишига куч-қувват, бардамлик бағишлайди.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

«ХАВАС»ГА ХАВАС ОРТМОҚДА

Хар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда, юрт шўратини дунёга таратишда спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Барча эътироф этган ҳақиқат. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилди. Хусусан, теннис ривожининг унинг оммавийлиги йўлида кўплаб таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди. Бугун Ва-

танзимиз теннисчиларининг жаҳон майдонидан секин-аста ўз ўрнини топаётганлиги, юртимизда «олтин копток» ихлосмандларининг тобора ортиб бораётганлиги ва турли даражадаги мусобақаларнинг кўплаб ўтказилаётганлиги фикримиз исботи бўлиб хизмат қилади. Яна бир неча кундан


бар ходимлари ўртасида анъанавий «Хавас» турнири бошланади. Айни кунларда эса вилоятлари мизда ушбу турнирга саралаш вазирасини ўтовчи мусобақалар ўтказилмоқда. Хусусан, кун кеча Урганчдаги Пахлавон Махмуд номли теннис кортлари мажмуида бешинчи анъанавий

«Ихлос» турнири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча тармоқ раҳбарлари иштирок этди. Айтиш лозимки, республикамиз миқёсида турли оммавий спорт тадбирлари, мусобақаларнинг ўтказилиши, айниқса раҳбар ходимлар ўртасида бу каби турнирларнинг бўлиб ўтиши фуқароларимиз, ёшларимизда спортга нисбатан катта қизиқиш, муҳаббат уйғотади. «Соғлом авлод йили»да соғлом авлод орузи ушалишига замин яратади. Шу жиҳатдан яқин кунларда бўлиб ўтажак теннис байрами — «Хавас»га тобора хавас ортмоқда.

Навоийда кино байрами

Навоийда «Соғлом авлод тарбиясида кинонинг ўрни» мавзусида кино байрами очилди. Уни «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси Навоий вилоят Ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят Ҳокими Ф.Дилов, «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси Т.Юнусов сўзга чиқиб, истиқлол даврида кинонинг тутган ўрни, ўзбек кино усталари томонидан яратилаётган янги фильмлар, соғлом авлод тарбиясида замонавий кинонинг ўрни хусусида сўзлади. Кино байрами кунларида «Аёллар салтанати», «Тилсимой — гаройиб қизалоқ», «Кичкина табиб», «Қисмат», «Чимилдик» каби янги бадий фильмлар намойиш этилади. **Ёркул УМАР, ЎЗА муҳбири.**

МАФТУНКОР ТАБИАТ



И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

Касаба уюшма спорти

ФУТБОЛ ЖОЗИБАСИ

Жиззах шаҳрида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида мини футбол бўйича республика мусобақаси ниҳоясига етди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 150 нафар иқтидорли ёш футболчилар уч кун мобайнида шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ўйингоҳда голиблик учун мurosасиз кураш олиб бордилар. Дастлаб ўн бешта терма жамоа гуруҳларга бўлиниб беллашди. Сўнг голиблар ўзаро куч синатиб, совриндорларни аниқладилар.

Ниҳоят, мусобақанинг энг ҳаяжонли, энг эҳтиросли давлари етиб келди. Финалда Наманган ва Андижон вилоятлари ёш футболчилари. Кескин курашлар остида ўтган қизиқарли учрашувда омад наманганлик ёш футболчиларга кулиб боқди: 3:1. Учинчи ва тўртинчи ўринлар Жиззах ҳамда Тошкент вилояти вакилларига насиб этган бўлса, фарғоналик ва сурхондарёлик спорт мактаби тарбияланувчилари эса кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

Мусобақалар якунланди, голиблар аниқланди. Ўтказилган хар бир учрашув юртимиз футболчи келажаги порлоқ эканлигини намойиш

этди. Кези келганда мезбонлар мусобақани юқори савияда ташкил этганликларини таъкидлашни истарди. Муҳташам «Форум» спорт мажмуида бўлиб ўтган мусобақанинг ёпилиш маросимида голиб ва совриндорлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши ҳамда вилоят футбол Федерацияси тасвир этган қимматбахор совғалар ва факрий ёрликлар билан тақдирландилар. **К.ОЛЛОЁРОВ.**

Тож талабгорлари

Гастингсда (1895 йил), Будапештда (1896 йил), Монте-Карлода (1901 йил), Венада (1903 йил) муваффақиятли катнашди. Бутунроссия турнирида биринчи ўринларни эгаллади. Чигорин жуда кучли шахматчи эди. Унинг ҳисобида

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

клублар очилиши учун ўзининг бор орбў эътиборини ишга соларди:

Газета ва журналлардаги Чигорин таҳрири остида чиққан шахмат бўлимлари ҳақида ҳам эслатиб ўтмаслик мумкин эмас. Уларнинг шахматни тарғиб қилишдаги аҳамияти бебаҳо. Россияда шахмат ҳаётини бунёд этиш борасидаги бу фидокорона меҳнат Чигорин биографиясидаги энг ёрқин саҳифалардан бири сифатида муҳрланиб қолди.

Ҳаёти тугаб борарди-ю, у бўлса ҳали ҳам шахматдан сира ажрай олмасди. «Шахмат санъатида беқиёс содиқлик ва унга нисбатан жўшқин муҳаббат унинг қалбида ло-вуллаб ёнарди», - деб ёзган эди Чигориннинг сўнги кунлари ҳақида Р.Шпильман.

1908 йилнинг 12 январида буюк рус шахматчиси оламдан ўтди.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

ЧИГОРИН



Э.Шиффере, Р.Харузек ва бошқа мастерлар ундан эришилган ғалабалар, И.Гункберг, З.Таррашлар билан қилган дуранглари бор. Чигорин ҳамма шахматга қандайдир янгилик қиритишга интилар, узлуксиз изланарди. У ҳужум қилишнинг чинарақ устаси бўлиб, ўйинлари гоётда бой гоёлари билан ажралиб турарди. Фантазисиз, талантининг ёрқинлиги ҳамда бетакрорлиги

ган, молиявий қийинчиликлар туфайли журнал учун яна икки бор уриниб кўрган эди. Янги «Шахматный вестник» ва «Шахматы» журналлари ҳам узоқ яшай олмаганлигига қарамай, шахмат санъатини оммага ёйишда у озмунча рол ўйнагани йўқ. У шахмат клубларини орзу қиларди. Россия шахарлари бўйлаб қилган гастроллари пайтида шундай

ХАРИТАЛАР ТАРИХИДАН

Қадимги юнон олими Эратосфен маълумотига кўра, ернинг илк картографик тасвири милоддан илгари 610-546 йилларда яшаган олим Анаксимандр яратган. Географик хариталарнинг яратилишида иккинчи асрнинг биринчи ярмида яшаган юнон олими Птолемей ишлари ҳам диққатга сазовор. У аниқ маълумотларга асосланиб, 90 дан ортиқ харита тузди ва шу тариха бизгача етиб келган географик хариталарнинг энг биринчи тизими тўпламини яратди. Тарихда монастыр хариталари деб юритилган харита марказига Қуддус шаҳрининг рамзи туширилган бўлиб, юқори томони — шарқда жаннат тасвирланган. Хусусан, аллома Муҳаммад Хоразмий Шарқда биринчи бўлиб Птолемейнинг асари билан танишиб чиқди, уни янги-янги маълумотлар билан бойитди. У ўзи раҳбарлигида 70 нафар олим иштирокида Шарқ мамлакатлари географияси кўлга киритган материалларга таянган ҳолда янги «Жаҳон хариталари»ни яратди. Профессор Х.Ҳасановнинг фикрича, «Жаҳон хариталари» аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Хоразмий бу хариталар изохини ўзининг «Сурат ал-арз» номли асарига баён этган. География, картография ва геодезия соҳасининг улкан билимдони Беруний Шарқда биринчи бўлиб глобус ясади. Ўзи мустақил равишда ер меридиани айланаси

узунлигини ҳисоблаб чиқди ва «Ат-Тафқим»китобига ўзига хос доиравий дунё харитасини илова қилди. Урта Осиёда ўша даврда яратилган хариталар масофа ва йўналишларни аниқ ўлчаш имконини беради, холос. XVII асрда Франция фанлар академияси олимлари градуусни аниқ ўлчаш натижасида ернинг шакли ва катталигини ҳамда бир градус медиан ва параллел ёлларнинг узунлигини катта аниқликда ҳисоблаб чиқди. Ёлларнинг узунлиги голланд олими В.Снеллиус ихтиро қилган триангуляция усулида аниқланди. Натижада ер шар шаклида эмас, балки айланма эллипсоидга яқин шаклда эканлиги маълум бўлди. Ер юзасида координаторлари аниқ ҳисоблаб чиқилган геодезик таянч пунктлари барпо қилинди. Унинг оқибати ўлароқ 1740 йили Париж обсерваториясининг раҳбари Цезер Кассини биринчи триангуляция усули билан аниқланган таянч шаҳобчалар асосида мензула асбоби ёрдамида Франциянинг топографик планини олди.

XX асримиз аввалида йирик масштабли хариталар аэрофотосъёмка материаллари асосида яратиладиган бўлди. Кейинги йилларда эса географик хариталарни тузишда космосдан туриб олинган суратлардан кенг фойдаланилмоқда. **А.АЛИЕВ тайёрлади.**

Михаил Леванович Чигорин ҳақида қисқача ҳикоя қилиш фавкулудда мураккаб вазифа. Фаолияти уникчилик серқирра бошқа шахматчини топиш қийин. Шахматни Чигоринчалик фидокорона севганлар кўп эмас, аксинча ҳеч ким бу гениал истеъдод бошига тушган кўргиликчилик тақдир зарбаларига дучор бўлмаган бўлса керак. Чигорин 1850 йилнинг 31 октябрида Гатчинада туғилди. Болалиги машаққатли кечди; 9 ёшида отасидан, ундан аввалроқ онасидан айрилди. Бола аммасининг қарамоғида қолиб, унинг қумағида тез орада Гатчинадаги болалар уйига жойлаштирилди. Бироқ 1868 йилда калъа-тақлаш тартибидан келиб чиққан «ғалаён»да иштирок этгани учун у мактабдан ҳайдалди. Чигориннинг шахмат билан ўзаро муносабатлари ҳам мураккаб тус олди. Шахмат билан 16 ёшида, ҳали мактабда ўқиб юрганида танишди. Кейин нақ 5 йил ўйнамади. Лекин шундан сўнг шахматга умрбод қайтди. Чигорин кичик амалдорликни ташлаб муҳтожликка тўла шахмат фидойис сифатида қийин ҳаёт

кечира бошлади. Шахматнинг деярли ҳеч бир соҳаси йўқки, унда Чигорин ёрқин из қолдирмаган бўлса. Амалиётчи шахматчи сифатида у ўз замонасининг энг кучли мастерлари устидан эришган кўп ғалабалари билан машҳурдир. У чорак аср мобайнида рус шахматчиларининг пешқадами, жаҳон чемпиони унвонига талабгорлардан бири бўлиб турди. Бошқалар эмас, Стейннинг ўзгинаси шахмат тожини олгач, Чигоринни жаҳон биринчилиги матчида ўзининг биринчи рақиби деб атади. Бу матч 1889 йили Гаванада ўтказилди. Уларнинг уч йилдан кейинги иккинчи матчи янада каттиқроқ бўлди. Чигорин бу мусобақада ҳар қачонгидан кўра ғалабага кўпроқ яқинлашган эди: у зўр кўтаринчилик билан ўйнади. Бироқ ҳал қилувчи пайтдаги янглишиш унинг ҳаракатларини йўққа чиқарди. Жаҳон биринчилиги матчларининг икки бор қатнашчиси бўлишнинг ўзи бутун шахматчилик ҳаёти учун етарлидир. Аммо бошқа ажойиб ғалабалар ҳам бўлди: Лондонда (1883 йилда),

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсагини; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёна табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни бошқармачиси. Корхона маъмули: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.25

Буюртма Г— 384. 1 2 3 4 5 6